ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

К.А. ЮНУСОВ

В статье рассматривается деятельность различных негосударственных некоммерческих, общественных организаций, как важное условие формирования и развития гражданского общества в Узбекистане.

The article studies the activities of some non-governmental, non-commercial organizations as an important condition for the formation and development of the civil society in Uzbekistan.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан ижтимоий йўналтирилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари юз йилларга татигулик мазмун-моҳият касб этмоқда. Жонажон юртимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманлари, маҳалла ва кўчалари ҳамда хонадонлари таниб бўлмас даражада ўзгариб, ободонлашиб, янада гўзаллашиб бормоқда. Бундай ўзгаришлар Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча юртдошларимиз ва дунё ҳамжамияти кўз ўнгида содир бўлмоқда. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик, ижтимоий барқарорликнинг натижасидир.

Фуқаролик жамияти муайян ҳудудда яшовчи, эркин ва озод кишилардан иборат аҳоли, миллат ва халқнинг яшаш тарзини англатади. Фуқаролик жамияти демократияга асосланган давлатчилик шароитида шаклланадиган ва ривожланадиган ижтимоий муҳитдир. Фуқаролик жамияти кўнгилли равишда тузилган, жамият ҳаётининг барча соҳаларида амал қиладиган нодавлат типидаги тузилмалар (бирлашмалар, ташкилотлар, ассоциациялар, уюшмалар, марказлар, клублар, жамғармалар ва б.)нинг фаолияти даражаси билан белгиланади. Мазкур тузилмалар ижтимоий муносабатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий, диний, таълим-тарбия ва турмуш тарзи каби соҳаларида фаолият кўрсатади. Улар фаолиятининг кучайиши, ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг қай даражада амал қилишини билдиради. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида кенг фаолият кўрсатиши – Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шартидир. Ушбу ташкилотларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар давлат томонидан эмас, балки фуқароларнинг ўзлари томонидан ташкил қилинади ва мавжуд қонунларга амал қилган ҳолда давлат ташкилотлари тасарруфидан холи равишда фаолият юритади.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришдан асосий мақсад жамият аъзоларининг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ва ҳимоя қилишдан иборат. Фуқаролик жамияти институтлари ўз моҳиятига кўра, фуқароларнинг ўзлигини англашга, ижтимоий муносабатларда ўзини ўзи бошқаришга қаратилган, ихтиёрий тарзда бирлашган, муайян бир мақсадга эришишни назарда тутган нодавлат типидаги ташкилотлардир.

Аҳолининг турли қатламлари, ҳар бир фуқаро муайян фуқаролик жамияти институтлари сифатида фаолият кўрсатувчи нодавлат ва жамоат ташкилотлари орқали ўз манфаатларини амалга ошириб, жамият бошқарувида фаол қатнашади. Жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларнинг барча соҳалари маҳалла фуқаролари йиғинлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, турли жамғарма ва марказлардан ташкил топган. Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида алоҳида роль ўйнайди.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат:

1) фуқароларнинг юксак даражадаги онглилиги;

2) аксарият аҳолининг хусусий мулкчилик асосида моддий жиҳатдан яхши таъминланганлиги;

3) жамият аъзоларининг ижтимоий жиҳатдан фаоллиги;

4) жамият аъзоларининг ирқи, миллати, жинси, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ҳолатидан қатъи назар, ўзаро ҳамжиҳатлиги;

5) давлат ҳокимиятининг кўплаб функцияларининг нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилганлиги;

6) жамоавийликнинг юқори даражада (онглилик асосида) йўлга қўйилганлиги;

7) фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, онгли равишда жамият, миллат ва ҳудуд манфаатларини таъминлаш йўлида фаол иштирок этиши. Ривожланган давлатларда юқорида баён этилган тамойиллар асосида ташкил этилган кўплаб фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатади.

Улар жамият ҳаётининг аниқ бир муаммоси билан шуғулланишига кўра фарқ қилади. Аксарият нодавлат нотижорат ташкилотлари инсонпарварлик мақсадларида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Ҳаттоки, уларнинг баъзилари умуммиллий, мамлакат, халқаро миқёсда фаолият кўрсатиш даражасига ҳам эришган. Айниқса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ташкил топган фуқаролик жамияти институтлари бир мамлакат доирасидан чиқиб, халқаро миқёсда фаолият юритмоқда.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан аниқланишича, ҳозирда Ўзбекистонда ўз йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг 40 фоизи – ижтимоий-иқтисодий қонунларни ҳимоя қилишга, 14,2 фоизи – аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал этишга, 13,6 фоизи – соғлиқни сақлаш, таълим, экология соҳасига, 12 фоизи эса бошқа ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни бартараф этишга хизмат қилмоқда [3].

Фуқаролик жамияти институтлари давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонун-қоидалар ва меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар, яъни нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, жамоат фондлари кабиларни ўз ичига олади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) аҳолининг айрим ёки муайян йирик тоифаларининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб ишлашга ихтисослашган, ҳукуматга қарашли бўлмаган умуммиллий ташкилотлар. Бундай ташкилотлар жумласига “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Ногиронлар” уюшмаси, “Ўзбекистон экологик ҳаракати”, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати каби тузилмалар киради;

2) ихтисослашган миллий ва халқаро жамғармалар: “Экосан”, “Соғлом авлод учун”, “Амир Темур”, “Матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш”, “Оролни қутқариш” жамғармалари, “Марказий Осиё мамлакатлари маданият ва фан арбоблари анжумани” сингари ташкилотлар;

3) ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар: Шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази, Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жамияти ва бошқалар;

4) ижодкор зиёлиларнинг миллий жамоат ташкилотлари: ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, архитекторлар, кинематографлар, шунингдек, судьялар ва адвокатларнинг жамоат уюшмалари;

5) миллий маданият марказлари. Улар Ўзбекистонда яшовчи миллий (озчиликни ташкил этувчи) жамоалар вакилларининг маданияти, маънавияти, урф-одатларини сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказиб бериш мақсадида тузилган ташкилотлар саналади. Республикамизда ҳозирги пайтда 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий-маданий марказ (ММҚ)лар фаолият олиб бормоқда;

6) умуммиллий жамиятлар ва жамғармалар: Болалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, Талабалар жамғармалари, “Меҳр нури” жамғармаси кабилар;

7) ижтимоий аҳамият ва ижодий қизиқишлар билан боғлиқ, асосан, экология масалалари бўйича маҳаллий бирлашмалар: сайёҳлик ва бадиий ҳаваскорлик клублари, ногирон болалар ота-оналарининг бирлашмалари;

8) жамоат муассасалари: “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Журналистларни тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази сингари ҳукуматга қарашли бўлмаган маҳаллий ижтимоий муассасалар.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институти сифатида фаолият кўрсатаётган миллий-ма-даний марказлар, мамлакатимиз ижтимоий ҳаё-тида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки улар Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд турли миллат ва элат вакилларининг мақсад ҳамда манфаатларини таъминлашга, миллий қадриятлари, удумларини сақлашга кўмак бериб келмоқда.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Республика байналмилал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни янада мустаҳкам-лашга қаратилган янги ғоя ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди” [1.126].

Республикада ҳозирги пайтда 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий-маданий марказ (ММҚ) фаолият олиб бормоқда. Улардан 14 таси республика мақомига эга. ММҚларнинг 31 таси корейслар, 23 таси руслар, 10 таси тожиклар, 9 таси қозоқлар, 9таси татарлар томонидан (3 таси татар-бошқирд ММҚ) тузилган. Шунингдек, 8 та озарбайжонлар, 7 та туркманлар, 6 тадан украинлар ва қирғизлар, 5 тадан турклар ва Европа яҳудийлари миллий-маданий марказлари фаолият юритмоқда. Немислар, поляклар ва арманлар томонидан 4 тадан, уйғурлар ва Бухоро яҳудийлари томонидан 3 тадан, белоруслар ва қрим татарлари томонидан 2 тадан, араблар, болгарлар, бошқирдлар, греклар, грузинлар, литваликлар, қорақалпоқлар, хитойлар ва дунганлар томонидан эса 1 тадан ММҚ ташкил этилган.

Республика байналмилал маданият маркази ва ММҚ фаолларидан 71 киши юксак давлат мукофотига сазовор бўлган. Шу жумладан, 32 киши “Дўстлик” ордени, 2 киши “Меҳнат шуҳрати” ордени, 13 киши “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. 7 кишига фахрий унвон, 17 кишига Ўзбекистон Рес-

публикасининг Фахрий ёрлиғи берилган. Мукофотланганлар орасида 24 миллат вакиллари бор. Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак Хоразм вилояти корейс МММ бошқаруви аъзосидир. Республика рус маркази раиси Светлана Ивановна Герасимова эса сенатор, Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси.

Телевидение ва радиода 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилади. Газеталар 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, корейс, тожик, туркман, украин, инглиз), журналлар эса 8 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман) босилади. Ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилади.

Миллий маданий марказлар фаолияти мамлакатимизда турли миллат вакилларининг эмин-эркин умргузаронлик қилаётганлигини, уларнинг Ўзбекистон фуқароси сифатида конституциявий ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланганлигини билдиради. Миллатлараро тотувлик эса фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим белгиларидан биридир. Бу тамойил Ўзбекистонда тўла амал қиляпти, десак хато қилмаган бўламиз.

Ҳозирда мамлакатимизда бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари сифатида жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Андижон вилоятидаги Андижон “ИНТЕЛЛЕКТ” нодавлат нотижорат ташкилоти, Андижон “НАФОСАТ” нодавлат нотижорат ташкилоти, Андижон “ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИ” нодавлат нотижорат ташкилоти, “МЕҲРИМИЗ СИЗГА” нодавлат нотижорат ташкилоти, Андижон тумани Фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилик “Умр” маркази каби юзлаб нодавлат ташкилотлари бунинг ёрқин исботидир. Шунингдек, республика миқёсида “Аёллар йиғини”, “Тадбиркор аёллар ассоциацияси”, “Интербилим” аёллар ва болаларни қўллаб-қувватлаш маркази, “Экомактаб” экологик ресурс маркази, “Меҳр нури” фонди, “Альфа-Омега” таълимни қўллаб-қувватлаш фонди, Ўзбекистон Экологик ҳаракати сингари кўплаб йирик нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Уларнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

– жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари - фан, таълим, инновацион технологиялар бўйича жаҳоннинг илғор, ривожланган мамлакатларида эришилган энг сўнгги ютуқлар, янгиликлар, ғояларни Интернет тизими ва бошқа манбалардан излаб топиш ҳамда уларни Ўзбекистон ижтимоий ҳаёти, фан, таълим тизими, ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;

– миллий қадриятларимизни дунё ҳамжамиятига тарғиб қилиш;

– дунё миқёсида фан ва технологияларда рўй бераётган ўзгаришларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий оқибатларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, тегишли жойларга илмий тавсиялар бериш ҳамда олимлар, қобилиятли ёшлар томонидан илгари сурилаётган илмий-ижтимоий мазмундаги ғояларни ҳаётга татбиқ этиб бориш;

– аниқ фанлар, табиатшунослик ва ижтимоий фанлар бўйича инновацион аҳамиятга эга маълумотларни излаб топиш ҳамда Ўзбекистон таълим тизимининг барча босқичларига жорий қилиш;

– Республикамизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, миллий, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларда рўй бераётган жараёнларнинг ижтимоий оқибатларини таҳлил қилиб, тегишли жойларга илмий тавсиялар тақдим этиш;

– ҳозирги замон илғор фан ва технологиялари ютуқларига асосланган ҳамда илмий изланишлар натижалари бўйича илмий адабиётлар, рисолалар, мультимедиа, электрон дарслик, илмий-услубий қўлланмалар ва бошқа адабиётларни нашр этиш;

– республикамиз ва дунё аҳамиятига тааллуқли долзарб муаммолар бўйича халқаро, минтақавий, республика ҳамда ҳудудий миқёсда илмий анжуманлар ўтказиш;

– хорижий мамлакатлар ўқув юртлари ва олимлари, турли мутахассисликларга эга бўлган шахслар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ҳамда ривожлантириш орқали уларнинг илғор, замонавий ва ижобий аҳамиятга эга бўлган ғояларини Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига татбиқ қилиш;

– жойларда, таълим муассасалари, қишлоқ хўжаликлари, саноат корхоналари ва бошқа меҳнат жамоаларида ҳозирги замоннинг долзарб муаммолари бўйича маърузалар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиш;

– энг муҳим ва долзарб муаммоларни бартараф қилишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотларни тузиш ишларига амалий-услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш;

– юртимизга қарши қаратилган, жамиятимиз ҳаётига таҳдид солувчи бузғунчи, ёт ғоялар, ғоявий ва ахборот хуружлари, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, диний экстремизмга қарши курашиш юзасидан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларда фаол иштирок этиш;

– янгидан юзага келиши мумкин бўлган, четдан ғаразли мақсадлар билан ҳаётимизга суқилиб киришга йўналтирилган турли мафкуравий таҳдидларга қарши илмий-услубий адабиётлар, қўлланмалар тайёрлаш ва аҳолининг турли қатламлари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

– ёшлар орасидаги ижодга мойил, қобилиятли ёшларни излаб топиб, уларнинг ижодини ривожлантириш йўлларини кўрсатиб бериш;

– турли танловлар ёрдамида мактаб, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларидан ижодкор ёшларни излаб топиш;

– ёшлар ижодини ривожлантириш учун турли машғулотлар, олим ва катта ижодкорлар билан учрашувлар, мутахассислар билан суҳбатлар уюштириш;

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган асосий мақсадлар, ёшлар орасида комил ахлоқ, ўзаро инсоний муносабатлар, иззат-эҳтиром, меҳр-мурувват, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни кенг тарғиб этиш, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг маъ-навий-маърифий ва тарбиявий ишларига кўмаклашиш;

– таълим муассасалари ва талабалар турар-жойларида маънавий-маърифий тарғибот ишларининг шаклан ҳамда мазмунан уйғунлиги, мунтазамлигини таъминлаш мақсадида маъруза, суҳбат, баҳс-мунозара, семинар ва конференциялар ўтказиш;

– талаба-ўқувчилар ўртасида спорт ва соғломлаштириш ишларини янада жадаллаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда жисмонан бақувват авлодни тарбиялашга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этиш;

– мамлакатимизда турли мулкчилик шаклидаги ташкилот, корхона ва муассасалар ишчи-ходимлари учун олиб борилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар, Ўзбекистон Президенти фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича ўқув машғулотлари ташкил этиш;

– Ватан озодлиги йўлида курашиб, жон фидо қилган буюк аждодларимизнинг ибрати, ўтмиш сабоқлари, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар таҳлили асосида одамлар қалбида миллий ғурур ва ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслик туйғусини камол топтириш.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Ҳозирги замон фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий институтларининг ўзига хос хусусиятлари кишиларнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириб боришда намоён бўлади.

2. Жамият ҳаётининг турли соҳа ва йўналишларида фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асослари шаклланишининг муҳим шартидир.

3. Мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этишда давлат ташкилотларининг жамият ҳаётини бошқариб боришдаги функцияларини аста-секин нодавлат органларга ўтказиш катта роль ўйнайди.

4. Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари жаҳоннинг ривожланган давлатлари ва фуқаролик жамиятининг умумэътироф этилган тамойиллари ҳамда миллий ўзига хос жиҳатлар асосида фаолият юритмоқда.

5. Фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари нодавлат ва жамоат бирлашмалари орқали шаклланиб боради. Натижада жамият ҳаётида авторитар ва тоталитар бошқарувга хос хусусиятлар барҳам топиб боради.

6. Фуқаролик жамияти институтлари сифатида фаолият кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари, ўз моҳиятига кўра, давлат муассасаларидан фарқ қилади. Бу тафовут, асосан, фуқаролик жамияти тамойилларининг амал қилиб бориши билан белгиланади.

7. Фуқаролик жамиятида бошқарувнинг кўплаб функциялари давлат тасарруфидан ўз-ўзини бошқариш органларига ўтиб боради. Аҳолининг турли қатламлари, алоҳида шахс муайян нодавлат ва жамоат ташкилоти орқали жамият бошқарувида фаол қатнашади. Шу аснода жамият ўзини ўзи бошқариб боради. Бу жараёнда қайсидир шахс, ҳоким ёки раҳбар хоҳиш-иродаси, ҳукмронлиги ёки муруввати эмас, балки фуқароларнинг юксак ҳуқуқий маданияти, дунёқараши устувор аҳамият касб этади.

8. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асл моҳияти унга аъзо бўлган кишилар, шахслар, ижтимоий гуруҳлар, касб-кор эгаларининг туб манфаатлари, ҳаётий эҳтиёжларини қондириб боришдан иборат бўлмоғи лозим. ННТларнинг ҳар қандай фаолияти, ўтказадиган оммавий тадбирлари ана шу мақсадга қаратилиши даркор.

Адабиётлар:

1.Каримов И.А. Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.

2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

3. “Миллий тикланиш”.- 2011,- 17 август.

Андижон давлат университети,
2012 йил 6 январда қабул қилинган